X. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

2021 йилнинг январь–март ойларида чакана савдо товар айланмаси 1 856,2 млрд.сўмни ёки 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 95,0 % ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 33,9 % га камайиб, 251,6 млрд.сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 13,6 % ни ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 1,8 % га ўсиб, 1 283,3 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 69,1 % ни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 278,1 млрд. сўми уюшмаган савдо (деҳқон ва чорва бозорлари) ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 2,9 % га ошди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 17,3 % га тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби
(2021 йилнинг январь–март ҳолатига)

2021 йилнинг январь–март ойларида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 0,7 млрд.сўмни, нодавлат мулки 1 855,5 млрд.сўмни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Урганч шаҳри 32,4 %, Урганч тумани 10,8 % ҳисобига тўғри келди, Шунингдек: Хива тумани 2,2 %, Янгибозор тумани 2,3 %, Тупроққалъа тумани 2,5 %, ва Хива шаҳри 4,0 % энг паст кўрсаткични қайд этди.

Ҳудудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши
(% ҳисобида)



2021 йилнинг январь-март ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмасида ўсиш суръати 66,1 % ни ташкил этди. Ўз навбатида, Янгибозор туманида (2020 йилнинг шу даврига нисбатан 15,7 мартага), Қўшкўпир туманида (4,2 мартага), Хива туманида (3,5 мартага) ва Ҳазорасп туманида (2,4 мартага) юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 29,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,3 % ни ташкил қилди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 1,6 % ни ташкил этди. Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Урганч шаҳри 45,9 %, Урганч тумани 17,2 % ҳисобига тўғри келди. Шунингдек, Янгиариқ тумани 1,0 % ва Қўшкўпир тумани 1,6 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Чакана савдо товар айланмаси

(умумий овқатланишни қўшган ҳолда)

	Жами		*Аҳоли жон бошига*	
	млрд. сўм	*2020 йил январь-март ойларига нисбатан% да*	*минг сўм*	*2020 йил январь-март ойларига нисбатан% да*
Вилоят бўйича жами:	**1 856,2**	**95,0**	**978,9**	**93,7**
Урганч шаҳар	601,1	83,9	4 142,9	83,3
Хива шаҳар	74,5	100,1	794,9	98,6
туманлар:				
Боғот	103,4	100,1	619,9	98,5
Гурлан	141,5	101,1	945,1	99,9
Қўшкўпир	84,3	105,8	484,9	104,5
Урганч	200,5	98,7	994,3	96,8
Ҳазорасп	190,4	104,3	968,0	102,8
Тупроққалъа	47,3	101,6	860,4	100,1
Хонқа	124,4	100,2	659,4	98,7
Хива	40,1	103,3	272,0	101,6
Шовот	131,3	100,4	763,6	99,0
Янгиариқ	74,8	101,4	637,5	100,0
Янгибозор	42,5	108,4	482,3	107,0

Чакана савдо товар айланмаси (овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 93,7 % бўлиб, 978,9 минг сўмни ташкил этди (2020 йил январь-март ойларида 931,0 минг сўм). Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичларини Урганч шаҳри (4 142,9 минг сўм), Урганч туманида (994,3 минг сўм) ва Ҳазорасп туманида (968,0 минг сўм), энг паст кўрсаткичлар эса Хива туманида (272,0 минг сўм), Янгибозор туманида (482,3 минг сўм) қайд этди.

Чакана савдо айланмасида йирик корхоналар ва кичик тадбиркорликнинг (уюшмаган савдо кўшилган холда) улуши,%



2021 йилнинг январь–март ойларида улгуржи савдо товар айланмаси 494,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,7 % ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 93,4 % ни ташкил қилиб, улардаги ҳажм 95,0 млрд. сўм бўлди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,7 % ни ташкил қилиб, 399,9 млрд. сўм бўлди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 80,8 % ни ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми

	Жами млн. сўм	*Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан %да*	*Йирик корхоналар млн. сўм*	*Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан %да*	*Кичик корхоналар млн. сўм*	*Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан %да*
Вилоят бўйича жами:	**494 931,3**	**100,7**	**95 025,5**	**93,4**	**399 905,8**	**102,7**
Урганч шаҳар	239 151,0	99,4	57 525,0	136,6	181 626,0	91,5
Хива шаҳар	18 555,1	96,0	189,6	88,4	18 365,5	96,1
туманлар:						
Боғот	9 144,1	88,7	2,0	60,0	9 142,1	88,7
Гурлан	10 207,5	101,4	932,7	19,2 м.	9 274,8	92,6
Қўшкўпир	3 810,4	93,8	3,5	24,4	3 806,8	94,1
Урганч	93 175,9	80,1	34 020,8	58,6	59 155,1	101,6
Ҳазорасп	4 800,1	94,8	138,9	10,2 м.	4 661,2	92,3
Тупроққалъа	4 134,0	94,9	6,6	-	4 127,4	94,8
Хонқа	19 694,7	90,4	1 771,7	140,9	17 923,0	87,3
Хива	68 070,7	2,0 м.	4,9	10,5	68 065,8	2,0 м.
Шовот	8 125,4	90,0	6,4	133,4	8 119,0	90,0
Янгиариқ	5 992,6	92,4	77,2	12,9 м.	5 915,4	91,3
Янгибозор	10 069,7	94,3	346,3	33,3 м.	9 723,4	91,2